

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

УДК: 14/8.08

ПРАГМАТИК ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИГА ДОИР  
ОБ ОСНОВАХ ПРАГМАТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ  
ON THE BASIS OF PRAGMATIC RESEARCH

С.Қурбонова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>С.Қурбонова

— ФарДУ, филология бўйича фалсафа доктори,  
катта ўқитувчи.

**Аннотация**

Мақолада тил ва нутқ масалалари таҳлилида прагматик ёндашувнинг роли ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Нутқий жараёнларда семантик, синтактик ва прагматик муносабатларнинг ўзаро фарқлиниш жиҳатлари ёритилади. Бундан ташқари, прагматик ёндашувларнинг стилистикадан фарқи асосланади. Бадиий матнда шахс хусусиятларини очиб беришда прагматиканинг роли кўрсатиб берилади.

**Аннотация**

В данной статье речь идет о роли и значении прагматического подхода к проблемам языка и речи. Показаны отличительные стороны семантических, синтактических и прагматических отношений в речевых процессах, а также роль прагматики в раскрытии особенностей личности в художественном тексте.

**Annotation**

The article analyzes the role and essence of a pragmatic approach to the problems of language and speech. Also the differences between the semantic, syntactic and pragmatic attitude in the process of speech acts are shown. In addition, it settles the difference between a pragmatic approach and style. The role of pragmatics in the disclosure of the identity in literary text is also emphasised.

**Таянч сўз ва иборалар:** семиотика, семантика, синтактика, прагматика, стилистика, нутқий жараён, социал белги, психик белги, локация.

**Ключевые слова и выражения:** семиотика, семантика, синтактика, прагматика, стилистика, речевой процесс, социальный признак, психический признак, локация.

**Keywords and expressions:** semiotics, syntactic, semantics, pragmatics, the process of speech, social character, mental character, location.

Тилшунослик фанига тил материаллари ва унинг нутқда қўлланилиши масалалари билан шуғулланувчи фан сифатида қаралади. Тил бирликлари орқали маъно англаш муаммосини ҳал этишда семиотикани ўзаро узвий боғлиқ бўлган куйидаги бўлимларга ажратиш ва уларни фарқлаш муҳимдир: 1) белгилар ва уларнинг ўзаро боғлиниш усулларини ўрганувчи синтактика; 2) белгиларнинг ўзи ифодалаётган объектга муносабатини ўрганувчи семантика; 3) қўлланилаётган белгига субъектнинг муносабати ва белгиларнинг бу белгидан фойдаланаётган субъектга таъсирини ўрганувчи прагматика [4,51]. Демак, семантика белгининг объектга муносабатини англатса, синтактика белгининг белгига муносабатини тартибга солади. Бу жараёнларнинг барчаси эса белгига нисбатан муносабат билдирувчи ёки белгидан таъсирланувчи (маъно ва мазмун англовчи) субъектнинг фаолияти билан бошқарилади. Шу маънода тил воситасида

фикр алмашилини энг муҳим жиҳати бу – прагматикадир. Прагматик мақсадни назарда тутмас, унинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилмас экан, семантика ҳам, синтактика ҳам қуруқ сафсатадан бошқа нарса бўлолмайди ва инсон учун бу шартли белгиларни онгда сақлаб туришнинг ҳожати ҳам бўлмайди. Бу демак-ки, прагматика тилнинг ҳаёт манбаи, генераторидир.

Прагматика соҳасида тадқиқотлар олиб борган Э.С.Азнаурова ўз изланишларида айнан синтактика, семантика, прагматика соҳаларининг тадқиқот объектини ўзаро фарқлаш борасида тилшунос олим В.Г.Гакнинг фикрларини келтириб: "...агар синтактика инсоннинг қандай гапириш ва ифоданинг тузилишини ўрганса, семантика у (шахс) нимани гапиряпти, ушбу текст нимани англатишини тушунтиради. Прагматика эса инсон қандай шароитда ва нима мақсад билан гапиряётганини очиб беришга интилади, ифоданинг прагматик эффекти қандай" [1,29] эканини тадқиқ этади, деб

таъкидлайди. Ю.С.Степановнинг семантика, синтактика ва прагматика масалаларига берган таърифи янада ихчам ва системалидир: “семантика” белгилар(тил бирликлари)нинг уларда ифода этилган нарсаларга муносабатини, “синтактика” белги (тил бирлиги)нинг белги (тил бирлиги)га муносабатини, “прагматика” эса белги (тил бирлиги)нинг тилдан фойдаланувчига муносабатини назарда тутди [3,25].

Семиотикага оид қарашларнинг аксариятида тилга олинган уч аспект мавжудлигини таъкидлар экан, прагмалингвистика йўналишида самарали изланишлар олиб бораётган тилшунос олим М.Ҳақимов ўзининг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” номли монографиясида мазкур аспектлар моҳиятини шундай изоҳлайди: “...синтактик қурилмалар таркибидаги бир лисоний белгининг бошқа лисоний белги билан муносабатини ўрганувчи соҳа синтактика ҳисобланади. Синтактик қурилмалар таркибидаги лисоний белгиларнинг предмет ва тушунчага бўлган муносабати семантикада ўрганилади. Прагматиканинг нутқий актнинг бевосита контекст билан муносабатини ўрганиши кўрсатилди. Кўринадики, нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш объекти саналади” [8,5].

Прагмалингвистик тадқиқотларда олинган натижалар нафақат тилшунослик масалаларида, балки маданиятшунослик, нутқ маданияти, этнолингвистика, социоллингвистика масалаларига ҳам алоқадор бўлади.

“Инсоннинг объектив оламдаги барча ижтимоий хатти-ҳаракатлари унинг нутқий фаолиятида ўз ифодасини топади” [8,5]. Модомики, инсон нутқи ва унинг вужудга келиш асослари ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлишни мақсад қилган эканмиз, унда масалалар моҳиятини етарлича қамраб олиш учун уларнинг туб илдизлари этиб борган нуқталаргача таҳлил доирасига тортишимизга тўғри келади. Бунда бир-бирига туташ бўлган баъзи фанлар ўзаро бирлашуви, лозим бўлса, бир фан масалаларига иккинчи бир фанга оид таҳлиллар жавоб бериши мумкин. Бунда у ёки бу фаннинг чегараланиш муаммоси эмас, балки аниқ бир мақсад, яъни инсон нутқининг вужудга келиш омилларидан тортиб ифода бирликларининг нутқда

воқеланишигача таҳлил этиш имконининг кўлга киритилиши муҳим ҳисобланади.

Тил ва инсон – тил билан шуғулланувчи фаннинг бу жуда қадимги ва ҳамisha навқирон мавзусидир. Бу мавзу шу қадар қадимий-ки, инсонлар тил ва инсонни айро тушуниб бўлмаслигини аллақачон англаб этганлар, айни пайтда бу мавзу шу қадар янги ва навқирон-ки, фикрнинг ҳар бир ифода шакли тафаккур меваси сифатида тил ва инсон орасидаги муносабатларда янги кўринишларни ҳосил қилаверади[2,3].

Маълумки, тил бирликлари сатҳлараро фарқланади. Сўзловчининг шахс хусусиятларини изоҳлашда лексик ва грамматик сатҳ бирликлари энг фаол ахборот ташувчи бирликлар сирасига киради ва матн таҳлилида кўпинча тил сатҳлари билан алоқадор хусусиятлар (фонетик, морфологик, лексик, грамматик) тадқиқот объекти марказида туради. Бу ўринда сўзловчи (ёзувчи) бирор тилда ўз фикрини баён этиш жараёнида бу шаклларнинг грамматик хусусиятлари муҳим эмас деган фикрдан йироқмиз, улар матн тузилишининг асосини ташкил этади. Аммо ёзувчининг асосий диққат марказида тилнинг грамматик қоида талаблари эмас, балки нутқий тузилманинг прагматик мақсадга мослиги, яъни нутқ орқали сўзловчининг ўз мақсади – атрофдагиларга ўз истакларини билдириши, муносабат ифодалаш, когнитив олам манзарасида ўзлигини намоён этиш истаги ётади. Тилшуносликнинг услубият масалаларида эса, аксар ҳолларда, ҳосила яъни кишиларнинг (ижодкорларнинг) нутқи тилшунослик фани масалалари доирасида таҳлил қилинади. Тил воситалари матннинг услубий хусусиятларини кўрсатувчи белги сифатида баҳоланиб, унга тил эгаси (ижодкор)нинг ушбу воситалар кўмагида воқеани образли баён қилиш маҳоратини белгиловчи баҳо даражаси сифатида ёндашилади. Лекин биз ўрганмоқчи бўлган объект айни шу ўринда услубият масалаларидан нозик жиҳатларга кўра тамомила фарқ қилади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, нутқ “сўзловчининг идрок қилиш ва ифодалаш фаолиятининг маҳсули сифатида қатор янги йўналишлар объекти бўлиши мумкин”[8,31]. Нутқ ва унинг прагматик таҳлилида лисоний фаолиятнинг миллий-маданий белгилари очиқ берилади. Бундан ташқари, мулоқот жараёни шу даражада кенг ифода шаклларига эга бўлиши мумкин-ки, бунда

сўзловчидан айнан тил материалларидан фойдаланишни талаб этиш ёки таҳлилларда лингвист сифатида ўз фани доирасидаги воситаларнигина ўрганиш тил масалалари ечимида асло етарли бўлмайди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда тил ва нутқ масалаларига когнитив ёндашув оммалашиб бормоқда. Яъни, бу инсон фаолиятида билиш ва уни ифода этиш шакллари тадқиқига бағишланган соҳа бўлиб, бу йўналишда тил воситалари асосий ўрин тутди. Айти пайтда тил масалаларини ўрганишнинг асл моҳияти

ҳам шу нуқтада ўзининг етарли аҳамиятини намоеън этади.

Шундан келиб чиқиб, кичик илмий изланишимизда қуйидагича хулосаларни белгилаб ўтишимиз мумкин-ки, прагматика тил белгиларини унинг фойдаланувчиси – инсон онгида тушурилишини тадқиқ этади. Айти жиҳати билан прагматика тилни билишда семантика ва синтактиканинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда кишилар ўртасида алоқа-аралашувни юзага келтиришда ниҳоятда катта ўрин тутди.

**Адабиётлар:**

1. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного языка –Т., 1988.
2. Будагов Р.А. Человек и его язык – М.:Изд. Московского университета, 1976.
3. Маҳмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари // ЎТВА. 1990. №2.
4. Новиков А.А. Семантика русского языка – Москва: Высшая школа, 1982.
5. Соссюр Ф.де. Труды по общему языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977.
6. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975..
7. Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол фанл. номзод... дисс.–Т., 1990.
8. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013.

*(Тақризчи: Ш.Искандарова — филология фанлари доктори, профессор).*